

Аёл фарзандлари тарбиясига масъулдир

05:00 / 15.02.2017 3076

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: **«Ҳаммангиз чўпонсиз ва ҳар бирингиз ўз сурув-подасига масъулсиз. Бошлиқ бир чўпон ва қўл остидагиларига масъул. Эркак оила ишларининг чўпони ва уларга масъул. Аёл хўжаликнинг уйида бир чўпонидир ва фарзандларига масъул. Хизматчи (ишчи) хўжайинининг (иш берганнинг) молини чўпони ва уларга масъул. Ҳаммангиз чўпонсиз ва ҳар бирингиз (ўз) сурувингиздан масъулдирсиз.**

ИЗОҲ

Мусулмон аёл масъул бўлган бурчларнинг аввалида фарзандларини одобли қилиб тарбиялаш туради.

Ҳадисдаги истеъфодалар:

Ота-онани, ўз насларининг давомчиси бўлган фарзандларига қолдирадиган энг катта сарвати, энг чиройли совғаси тарбиядир. Қуйидаги ҳадиси шарифларда ҳам бу нарса алоҳида таъкидланган.

1. «Бир (она) ота фарзандига гўзал одоб ва яхши тарбиядан ортиқ (нарса) беролмайдилар».
2. «Фарзандларингизга икромда бўлинг (яхши муносабатда бўлинг), уларга гўзал одоб ва тарбия беринг».
3. Ота-она, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган бу ҳикматли сўзларни ерига келтирмоқлиги, фарзандларига адаб, ахлоқ ва гўзал хусусиятларни ўрнаштирамоқлиги ва шу тарзда уларни соғлом бир руҳ ва хулқли қилиш билан келажакка ҳозирлашлари лозимдир.

Фарзандларнинг одоб ва тарбиясидан ота-она масъулдир. Расулуллоҳдан (с.а.в.) ота-онанг қиёмат кунида фарзандлари учун ҳисоб китобга тортилишлари ҳақида кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур.

Ушбу оят нозил бўлганда, Ҳазрати Умар (р.а.):

- Эй, Расулуллоҳ (с.а.в.)! Ўзимизни сақлаймиз. Бола-чақаларимизнинг

қандай сақлай оламиз? - дея сўраганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Уларга Аллоҳга қул бўлишини, тоат ва ибодатни амр қиласиз. Аллоҳга исён этмоқдан ва гуноҳ иш қилмоқдан уларни қайтарасиз, мана бу уларни сақлаш деганидир - дедилар.